


Набий алайҳиссалом пешин ва аср намозларида қироат қилган суралар | Ҳадис дарслари (326-дарс)



19:00 / 30.04.2025 1208

يَفُزُّرَقِي نَاكَ مَلَسَوِ هِيَ لَعُ هَل لَّا لِي صِّيَّبَنَّ لَنَا نَأْهَنْعُ هَل لَّا يَضَرَّ رَمَسِ نَبِّ رِبَا جُ نَع
هُ أَوْ رَوْسَلَا نَمَامُ هُوَ حَنْوَجُ وَرُبُّ لَاتِ أَدَاءُ مَسَلَاوُ، قِرَا طَلَاوُ، عَامَّ سَلَابِ رُصَعْلَاوُ رُظَلَا
عِنَّا سَلَابَا حَصَّأ

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешин ҳамда Асрда «Вас-самаи ват-ториқ», «Вас-самаи затил буруж» ва шунга ўхшаш суралардан қироат қилар эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиси шарифнинг ровийси Жобир ибн Самура билан танишайлик:

Жобир ибн Самура ибн Жанода ас-Сувоий, кунялари Абу Ҳомид. Саъд ибн Абу Ваққоснинг Холида исмли сингилларининг ўғли. Бани Зуҳра қабиласининг бошлиқларидан бўлганлар. Ўзлари ва оталари Расулуллоҳнинг суҳбатларида бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 146та ҳадис ривоят қилганлар.

Бу кишидан Шаъбий, Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос, Тамим ибн Тарафа ат-Тоий, Абу Исҳоқ Сабиий, Абу Холид Волибий, Саммок ибн Ҳарб, Ҳусайн ибн Абдурраҳмон, Абу Бакр ибн Мусо ва бошқалар ривоят қилганлар. Бу зот ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Жобир ибн Самура Куфада яшадилар. Ироқда Башир ибн Марвон волийлик қилган даврда, ҳижратнинг 74-йили вафот этдилар.

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешин ва Аср намозларининг аввалги икки ракъатида Фотиҳа сурасидан кейин мазкур икки сурани ҳар ракъатга биттадан ёки шу суралар ҳажмидаги бошқа суралардан ўқиганлар.

Қолган икки ракъатда фақат Фотиҳа сураси ўқилган, зам сура қилинмаган.

يَسْخَرِي اَذِلَّةٍ لِلْاِبْرَاهِيمَ الَّذِي وَهَّيَ لَعْلَلْ اِلٰهِي صَبَّ نَجْلًا نَاك : لَاقُ نَعَو
ذُوَادُ وُبَّأُوْمَلْسُمُ هَاوْرَ كَلْدُ نَمَلْ وُطْأُحْبُصَلَا يَفَوَ وَ كَلْدُ وُحَنْ رُصَعْلَا يَفَوَ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешинда «Вал Лайли иза яғша»ни қироат қилар эдилар. Асрда ҳам шунга ўхшашини қироат қилар эдилар. Бомдодда эса ундан узунроғини қироат қилар эдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ривоят ҳам олдингиларни тасдиқлаб келмоқда. Фақат суранинг номи бошқа. Хулоса шуки, Пешин ва Аср намозларидаги қироатнинг узунлиги бир хил бўлиб, мазкур суралар ёки ўша суралар ҳажмидаги бошқа суралар зам сура қилинади. Бомдодда эса қироат узун бўлади.

كُتِبَ رَمْسًا حَبَسَ بِرِزْهَ ظَلَايِفِ أَرْقِي نَاكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا أَنْ نَعْوَى
مِلْسُ مِ هَاوَرِ. كَلَدُ نَمَلٍ وَطَابِ حَبُّ صِلَايِفِ وَ، يَلْعَلُ أَلَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешинда «Саббиҳисма Роббикал аъла»ни қироат қилар эдилар. Бомдодда ундан узунроғини қироат қилар эдилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят этилган бу ҳадисларда зикр қилинган суралар бир-бирига яқин ҳажмда бўлиб, Хужурот сурасидан бошланадиган «Авсотул муфассал» деб аталувчи суралар тўпламига киради.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.